# ЛЕНИН ҲАМИША БИЗ БИЛАН!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 93 (13.049).
22 АПРЕЛЬ 1965 ЙИЛ ПАЙШАНБА
*Баҳоси 3 тийин.*

**Бугун—жаҳон пролетариатининг улуғ йўлбошчиси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин туғилган кун.**

## ЛЕНИН ДАҲОСИ

Бугун Ленин туғилган кун. Ҳаммамиз учун, ҳар бир оддий меҳнаткаш учун энг азиз, мўътабар, табаррук инсон оламга келган кун. Биз ҳар йили баҳорда, гул фаслида, саҳий табиат элга беҳисоб бойликлар ҳадя этган дилрабо кезларда Ленин туғилган кунини байрам қилар эканмиз, унинг улкан сиймоси, ақл-заковати олдида бош эгамиз, юрагимиздаги энг муаттар, энг чуқур меҳр-муҳаббат тўла ҳис-туйғуларимизни инсоният генийси улуғ Ленинга йўллаймиз.

Ленинннинг улуғ номи Урта Осиё халқлари учун бениҳоя азиз ва муқаддасдир. Эксплуатация ва ҳақсизликнинг, миллий зулм ва хўрликнинг оғир жабр-жафолари, қашшоқлик, ҳақсизлик ўзбек халқининг ҳамиша йўлдоши эди. Чор амалдорлари маҳаллий бойлар, руҳонийлар камбағал йўқсулларнинг бошига битган бало эди. Биз нур ва зиёдан маҳрум эдик.

Яхшиям улуғ Ленин бор экан, яхшиям Улуғ Октябрь революцияси содир бўлган экан, яхшиям Коммунистик партиямиз бор экан, биз дунёдаги энг илғор революцион синф бўлган рус ишчилар синфи ёрдамида, Ленин партияси раҳнамолигида ана шу зулм кишанларини абадий қайтмас қилиб парчалаб ташладик. Ерлик, сувлик бўлдик, ҳаёт баҳори бахтимизга нур сочди, зиёли, нурли бўлдик. Озод, бахтиёр, эркин ҳаётнинг, порлоқ коммунистик келажакнинг нурли йўлларига чиқиб олдик. Шу сабабдан ҳам Ленинга ташаккур, Ленинга раҳмат, Ленинга олқишлар бўлсин!

Биз Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан буён ўтган ярим асрга яқин даврда улуғ Ленин партияси раҳнамолигида шундай баланд чўққига кўтарилдикки, ундан коммунизмнинг кенг ва ёруғ уфқлари равшан кўриниб турибди. Бир вақтлар қолоқ, аграр мустамлака мамлакат бўлган Узбекистон энди қудратли индустриялашган, қишлоқ хўжалиги ҳозирги замон машиналари билан қуролланган, колхозлашган, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти барқ уриб юксалаётган республикага айланди.

Узбекистон меҳнаткашлари совет халқларининг тенг ҳуқуқли, қардошлик оиласида коммунизм йўлига чиқиб олдилар. Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин қолоқ мамлакатларнинг меҳнаткашлари илғор мамлакатлар пролетарларининг ёрдами билан капитализмнинг азобли босқичини ўтмай тўппа-тўғри социализмга ўтадилар, деган доно сўзлари тарихий тараққиёт процессида тўла исботланди. Шарқда социализм ва коммунизмнинг парпираб турган машъали, деб ҳамиша фахр билан тилга олинадиган бу қуёш ўлкаси ҳақиқатан ҳам тарихан қисқа муддат ичида шундай улкан чўққига кўтарилдики, кишилик жамияти тарихи бундай тараққиётни ҳали кўрган эмас!

Агар биз республикамизнинг 40 йил ичидаги ўсиш суръатларини кўрсатувчи баъзи рақамларга мурожаат қилсак, нақадар илгарилаб кетганлигимизни яна ҳам аниқроқ билиб оламиз. Республикамизда қирқ йил ичида саноатнинг ялпи маҳсулоти 24 баравар кўпайди, электр қуввати ишлаб чиқариш 540 баравар, нефть чиқариш 320 баравар ошди. Газ, химия, машинасозлик ва саноатимизнинг бошқа янги-янги тармоқлари полвон қадамлар билан юксалмоқда. Яқин йиллар ичида қурилиб, ишга туширилган Бухоро — Урал магистрал газ қувури ҳам халқлар дўстлиги магистрали бўлиб қолди.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги, унинг муҳим тармоғи — пахтачилигимиз йилдан-йилга қанот ёзмоқда. Узбек пахтакорлари ўтган йили Ватанга 3 миллион 690 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» сотдилар. Бу революциядан илгариги даврга қараганда 7 баравар кўпдир. Республикамизда пахтачилик билан бирга қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам гуркираб ўсмоқда, фан ва маданият гуллаб-яшнамоқда.

Узбекистон республикаси эришган бу ғалабаларнинг, улкан қадамлар билан олға бораётганлигимизнинг сири бизга озодлик, мустақиллик, равнақ ҳаёт бахш этган Улуғ Октябрь революцияси, буюк йўлбошчимиз Ленин тузган Коммунистик партиянинг доно миллий сиёсати, оғамиз улуғ рус халқининг, барча қардош халқларнинг беғараз, биродарона ёрдамидир.

Советлар мамлакатида халқларнинг ленинча дўстлигидан ҳам кучлироқ, улуғроқ, муқаддасроқ куч йўқ! Бу дўстликнинг ижодкори, ташаббускори, уни янада мустаҳкамлаш йўлида жон куйдириб курашаётган Коммунистик партиямиздир.

Биз улуғ Ленин авлодларимиз, унинг фарзандлари, невараларимиз. Халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг бузилмас ва мустаҳкам пойдеворини ҳар биримиз учун қадрдон, табаррук инсон Ленин бунёд этди. Шу сабабли ленинча дўстлик, биродарлик, қардошлик байроғини ҳамиша муқаддас билиб, покиза сақладик, унга ҳеч қачон гард юқтирмадик ва юқтирмаймиз. Чунки Улуғ Октябрь берган энг катта ютуқлардан бири ҳам халқларимиз ўртасидаги ленинча дўстликдир.

Улуғ Ленин партиясининг доно раҳбарлигида коммунизмнинг нурли чўққилари сари дадил олға бормоқдамиз. Ҳамиша барҳаёт, ижодий революцион таълимот — марксизм-ленинизм йўлимизни йўлчи юлдуздек ёритиб турибди. Партиямизнинг тарихий XX, XXI, XXII съездларининг жанговар қарорлари, буюк Программамиз, КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорлари улкан замонамизнинг ҳаётий ҳужжатлари бўлиб, уларда ленинча донолик, партиямизнинг коллектив ақл-идроки, жамиятимиз ҳаётий негизини ташкил этган ички ва ташқи сиёсати ўз ифодасини топгандир. Ленин йўлидан, Коммунистик партия раҳнамолигида янги ғалабалар сари, нурафшон коммунизм сари дадил олға бораверамиз!




Мақсуд ШАЙХЗОДА

### КЕЛАЖАКНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАР

Йилларимиз ўтади,
таҳликалар кетади.
Башарият ўз олтин
китобини битади.
Биллур каби
шаффоф, ойдин асрлар,
асрларнинг эгаси
насллар
Ер юзида тузади
Сўлмас гулистон.
Адолат ўзи бўлар
Сайёрамизда султон.
Уфқларда жаранглар
бахтларнинг қасидаси.
Сарҳадларсиз чизилар
Жаҳоннинг харитаси.
Қитъалар ўртасида
қисқариб масофалар,
рўзномага қўйилар
фазошумул вазифалар.
Қўшнимиз Ой бўлиб қолар,
Еримизнинг еттинчи қитъасидек,
жуғрофия бобларининг
биттасидек.
Тиним куни одамлар
боришар Ой сайлига,
отланиб нур-учқучларга
Жўнар Сомон йўлига.
Уртача инсон умри
бўлар юз йил камида.
саксонида ёр куйида
куяётган ошиқлар
кезар ҳижрон ғамида.
Кунлар келар бир-биридан
нафис.
Йиллар турар севимли, азиз.
Аммо...
Аммо —
Ушанда ҳам зурриятлар
давримизнинг жозибасига
Угирилиб суқ билан қарар.
Бўронлар, тўфонлар,
зилзилалар
даврига,
инқилобий силсилалар
даврига...
Қидирарлар китобларда
замонамиз йилларин.
Ижтимоий,
иқтисодий омилларин.
Енгиллатиб биз уларнинг
Сўроқларин,
тўлдирайлик ўзимиз
анкетанинг варақларин.
— «Қачон яшаб ўтдингиз?»
— йигирманчи асрда.
— «Юртингиз, уй адресингиз?»
— СССР деган ерда.
— «Сиёсий қарашларингиз?»
— ленинизм деб билинг!
— «Эргашган устозингиз?»
— Ленин!
— «Ҳаққингиз, овозингиз?»
— Ленин!
— «Уқиган дарсхонангиз?»
— Ленин!
— «Ишлаган ишхонангиз?»
— Ленин!
— «Аҳдингиз, паймонингиз?»
— Ленин!
— «Севган қаҳрамонингиз?»
— Ленин!
— «Асарингизнинг мазмуни,
руҳи, тафсири?»
— Ленин!
— «Замонангиз сарлавҳаси,
ютуқлар сири?
— Ленин!
. . . . . . . . . . . . .
Ҳа, яшадик йигирманчи асрда,
биз Ленинннинг асрида.
зотан шу деб биз яшадик,
ва ўлмадик,
ва ўлмаймиз аслида.

1965 йил, 20 апрель.
Тошкент.

### ФАРҒОНАДА ИЛЬИЧГА ҲАЙКАЛ

ФАРҒОНА, 21 апрель. (ЎзТАГ). Бу ерда жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси туғилган куннинг 95 йиллиги арафасида область партия комитети биноси олдидаги майдонда Владимир Ильич Ленин ҳайкалини тантанали суратда очиш маросими бўлиб ўтди.

Ана шу воқеага бағишланган умумшаҳар митинги бўлди.

### СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

*СССР Олий Совети Президиумининг «Колхозлардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида» 1965 йил 10 апрель Фармонига мувофиқ СССР Министрлар Совети «Колхозчиларнинг меҳнат ҳақи фондидан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарорда белгиланишича, хўжаликда ишловчи ҳар бир колхозчига тўланган меҳнат ҳақи бир йилга ҳисоблаганда ойига ўртача 60 сўмдан ошиб кетса, колхозчилар меҳнат ҳақи фондининг мана шу ортиқча қисмидан 8 процент миқдорида даромад солиғи олинади.*

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1965 ЙИЛ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашлар халқаро бирдамлик куни, барча мамлакатлар ишчиларининг бирлик ва қардошлик куни — 1 Май!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Яшасин халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик!

4. Яшасин абадий барҳаёт революцион таълимот — марксизм-ленинизм!

5. Яшасин партиянинг КПСС XX, XXI ва XXII съездлари ишлаб чиққан ленинча мустаҳкам бош йўли!

6. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун кучни КПСС Программасини бажаришга сафарбар этингиз! Коммунизм ғалабаси сари, олға!

7. Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди — қардош коммунистик ва ишчи партияларга оташин салом!

8. Яшасин бутун дунё ишчилар синфи!

9. Яшасин халқаро коммунистик ҳаракатнинг марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми, Москва кенгашлари Декларацияси ва Баёноти асосидаги бирлиги ва жипслиги!

10. Социализм мамлакатларининг халқлари, халқаро ишчилар синфи, миллий озодлик курашини олиб бораётган халқлар, барча революцион кучлар! Империализм ва мустамлакачиликка қарши, миллий озодлик учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда жипслашингиз!

11. Жаҳон халқлари! Шармандали мустамлакачилик асорати системасини батамом ва узил-кесил тугатиш учун, империалистларга қарамликнинг ҳамма формаларига қарши курашингиз!

12. Барча мамлакатларнинг халқлари! Ёппасига ва батамом қуролсизланиш, ядро қуролини тақиқлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, ер юзида мустаҳкам тинчлик учун курашингиз!

13. Жаҳон халқлари! Америка империализмининг Жанубий Вьетнамдаги ҳарбий интервенциясини ва унинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессив ҳаракатларини тўхтатиш учун курашингиз! АҚШ қуролли кучларини Жанубий Вьетнамдан дарҳол олиб чиқиб кетишни талаб қилингиз!

Вьетнамдан қўлингни торт!

14. Жаҳон халқлари! Империалистларнинг НАТО кўп томонли ядро кучларини вужудга келтириш планларига қарши, Ғарбий Германия реваншчиларини ядро қуролига яқин келтиришга қарши курашингиз!

15. Барча мамлакатларнинг халқлари! Ғарбий Германиядаги реваншчи ва милитарист кучларни жиловлаш учун, нацист ҳарбий жиноятчиларни қаттиқ жазолаш, герман сулҳ шартномаси тузилиши учун курашингиз!

16. Яшасин халқаро ишчилар синфининг энг буюк ғалабаси — жаҳон социалистик системаси!

Барча социализм мамлакатлари халқларининг жипслиги, қардошларча дўстлиги ва бирлиги мустаҳкамланаверсин!

17. Социализм қураётган Хитой Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин Совет Иттифоқи ва Хитой улуғ халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

18. Социализм қураётган Албания Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва албан халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

19. Социализм қураётган Болгария Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва болгар халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

20. Социализм қураётган Венгрия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва венгер халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

21. Социализм қураётган ва Америка агрессорларига қарши, ўз мамлакатини демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва вьетнам халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

22. Социализм қураётган Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

Яшасин Германия Демократик Республикаси!

23. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва корейс халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

24. Социализм қураётган қаҳрамон Куба халқига қардошлик саломи! Яшасин совет ва куба халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

Яшасин Куба Республикаси!

25. Социализм қураётган Монголия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва монгол халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

26. Социализм қураётган Польша Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва поляк халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

27. Социализм қураётган Руминия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва румин халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

28. Социализм қураётган Чехословакия Социалистик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва чехословак халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

29. Социализм қураётган Югославия Социалистик Федератив Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва югослав халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

30. Улуғ ҳинд халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамланаверсин!

31. Улуғ индонез халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Индонезия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамланаверсин!

(Охири иккинчи бетда).

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1965 ЙИЛ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

32. Халққа қарши бўлган сотқин режимга ва Америка империализмининг қуролли интервенциясига қарши, ўз ватанини демократик асосларда бирлаштириш учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган Жанубий Вьетнамнинг мард халқига қизғин салом!

33. Америка қўшинларини чиқариб юбориш учун, ўз ватанини тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Жанубий Кореянинг мард халқига қизғин салом!

34. Тинчлик учун ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Бирма, Камбоджа, Лаос, Непал, Цейлон халқларига қизғин салом!

35. Афғон халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожланаверсин!

36. Мустамлакачиликни батамом тугатиш ва ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган араб мамлакатлари халқларига қизғин салом!

37. Мустақил, миллий, демократик давлатни барпо қилаётган, ўз мамлакатининг социалистик тараққиёти учун курашаётган Бирлашган Араб Республикасининг халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамланаверсин!

38. Мустақил, демократик, халқ давлатини барпо қилаётган, ўз мамлакатининг социалистик тараққиёти учун курашаётган қаҳрамон Жазоир халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Жазоир Халқ Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамланаверсин!

39. Мустамлакачилик ва империализмга қарши, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, миллий экономика ва маданиятини ривожлантириш учун курашаётган Африка давлатлари халқларига қизғин салом!

40. Мустақил, миллий, демократик давлат барпо қилаётган, социал тараққиёт йўлидан бораётган Гана, Гвинея ва Мали халқларига қизғин салом! Совет Иттифоқи халқлари билан Гана, Гвинея ва Мали халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамланаверсин!

41. Ички ва ташқи реакцияга қарши, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган Конго халқига қизғин салом!

42. Империализмга ва ирқчиликка қарши, озодлик ва мустақиллик учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган Ангола, Мозамбик, Жанубий Родезия, Жанубий Африка Республикаси халқларига қизғин салом!

43. Ўз мустақиллигини империалистлар ҳамласидан фидокорона ҳимоя қилаётган Кипр халқига қизғин салом!

44. Империализмга қарши, ўз мамлакатларининг тўла мустақиллиги учун курашаётган Латин Америкаси халқларига қизғин салом!

45. Бутун дунёда мустаҳкам тинчлик манфаатлари йўлида Англия, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ҳамда ҳамкорлиги ривожлансин ва мустаҳкамланаверсин!

46. Совет халқи билан Греция ва Италия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамланаверсин!

47. Совет халқи билан Эрон, Покистон ва Туркия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамланаверсин!

48. Германия Федератив Республикасининг милитаризмга ва фашизмнинг тикланишига қарши курашаётган меҳнаткашларига ва барча прогрессив кучларига қизғин салом!

49. Фашист режимларига қарши, демократик эркинликлар учун мардона курашаётган Испания ва Португалия халқларига қардошлик саломи!

50. Яшасин Совет Иттифоқи халқлари билан Австрия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

51. Фин халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Финляндия Республикаси халқлари ўртасидаги дўстона, яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожланаверсин!

52. Совет халқи билан Дания, Исландия, Норвегия, Швеция халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамланаверсин!

53. Ўз мамлакатининг тўла мустақиллиги учун, Америка ҳарбий базаларига қарши курашаётган япон халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Япония халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожланаверсин!

54. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати!

55. Бундан йигирма йил муқаддам герман фашизми устидан буюк ғалабага эришган совет жангчилари, партизанлари, ишчилари, колхозчилари, интеллигенциясининг қаҳрамонона зафари халқлар хотирасида абадий яшасин!

Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

56. Яшасин ғалабалар билан шуҳрат қозонган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

57. Совет жангчилари! Ҳарбий традицияларни муқаддас билиб сақлангиз ва кўпайтирингиз, жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятларга эришингиз, хушёр бўлингиз ва ҳар қандай агрессорни тор-мор келтиришга ҳамиша тайёр бўлиб турингиз!

58. Умумхалқ социалистик давлатининг мустаҳкам негизи бўлган ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи мустаҳкамлансин ва равнақ топаверсин!

59. СССР халқларининг бузилмас бирлиги ва қардошларча дўстлиги яшасин ва мустаҳкамланаверсин!

60. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун кучни коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга сафарбар қилайлик!

61. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдирайлик! Етти йилликнинг сўнгги йили планини муддатидан илгари бажарайлик!

62. Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорларига, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!

63. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ватанимиз қудратининг ва халқ фаровонлигини янада оширишнинг негизи бўлган социалистик мулкни бутун чоралар билан мустаҳкамлангиз!

64. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини қунт билан оширингиз! Маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш учун курашингиз!

65. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Ихтисослаштиришни, комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни амалга оширингиз, фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий қилингиз! Ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланингиз!

66. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Давлат маблағларини тежабтергаб сарфлашга эришингиз! Хўжасизликка, ортиқча харажатларга ва исрофгарчиликка қарши курашингиз!

67. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва транспорт ходимлари! Капитал маблағлардан энг оқилона ва тежаб фойдаланиш учун, ишга туширилиши лозим бўлган қурилишларни тезроқ ишга тушириш учун курашингиз!

68. Совет металлурглари ва кончилари! Руда қазиб чиқаришни, чўян, пўлат, прокат, қувурлар, рангли ва нодир металлар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз!

69. Совет энергетиклари, электростанциялар ва электр шохобчаларини қурувчилар ва монтажчилар! Энергетикани ғоят тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлангиз, энергетика системаларини қуриш ва ишлатиш қимматини камайтирингиз!

70. Машинасозлик ва приборсозлик саноати ходимлари! Техникани тараққий эттириш учун, халқ хўжалигини энг янги машиналар ва приборлар билан таъминлаш учун қунт билан курашингиз!

71. Нефть ва газ саноати ходимлари! Нефть ва газ чиқаришни кўпайтирингиз! Нефть ва газ конларини тезликда ўзлаштирингиз!

72. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Химия саноатини жадал ривожлантириш учун курашингиз!

73. Химия саноати ходимлари! Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш манфаатлари йўлида минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш учун курашингиз!

74. Автотрактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг ходимлари! Тракторлар, автомобиллар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини яхшилашга эришингиз!

75. Совет геологлари! Ватанимизнинг битмас-туганмас ер ости бойликларини тезроқ очиб берингиз!

76. Кўмир саноатининг ходимлари! Кўмир қазиб чиқаришни кўпайтирингиз, унинг таннархини камайтирингиз! Кончилик техникасидан яхши фойдаланингиз!

77. Совет бинокорлари! Қурилиш ишларининг суръатини ва сифатини оширингиз! Шаҳар ва қишлоқларда ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший объектларни тезроқ фойдаланишга топширингиз!

78. Бинокорлик материаллари саноатининг ходимлари! Бинокорлик материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, уларнинг сифатини яхшилангиз!

79. Ўрмон, ёғочсозлик ва қоғоз саноати ходимлари! Мамлакатга юқори сифатли ёғоч, мебель, целлюлоза ва қоғозни кўпроқ берайлик!

80. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати ходимлари! Молларни ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, хилларини яхшилангиз, сифатини оширингиз!

81. Балиқ саноати ходимлари! Балиқ овлашни кўпайтирингиз, балиқ маҳсулотларининг сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз!

82. Транспорт ходимлари! Транспортни замонавий техника воситалари билан таъминлангиз! Юкларни элтиб бериш муддатларини қисқартирингиз, юк ташиш таннархини камайтирингиз, пассажирларга яхшироқ хизмат кўрсатингиз!

83. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилангиз!

84. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Колхоз ва совхозларнинг экономикасини ривожлантириш — бутун партиянинг, бутун халқнинг ишидир! Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан КПСС Марказий Комитети март Пленуми ишлаб чиққан энг зарур чораларни амалга ошириш учун астойдил курашингиз!

85. Колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! Деҳқончилик маданиятини оширингиз, фан ютуқларини ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга қунт билан жорий қилингиз!

86. Колхозчилар ва совхоз ходимлари! Меҳнат унумдорлигини оширингиз, моддий манфаатдорлик ленинча принципини оғишмай амалга оширингиз! Ҳар бир колхоз ва совхознинг рентабелли ишлашига эришингиз!

87. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Кўкламги экиш ишларини намунали ўтказиш учун мусобақани кенг авж олдирингиз! Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун курашингиз!

88. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш учун органик ва минерал ўғитлардан яхши фойдаланингиз!

89. Колхозчилар ва совхоз ходимлари! Жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз! Ем-хашак экинларининг ҳосилдорлигини оширингиз, ўтлоқлар ва яйловлардан яхшироқ фойдаланингиз!

90. Колхозчилар! Жамоат хўжалигини бутун чоралар билан мустаҳкамлангиз! Қишлоқ хўжалик артелининг ишларини бошқаришда актив қатнашингиз!

91. Колхоз ва совхозларнинг механизаторлари! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш учун курашингиз! Техникани яхши ўрганингиз, ундан унумли фойдаланингиз ва уни авайлаб сақлангиз!

92. Қишлоқ хўжалик фани ходимлари! Практикани янги кашфиётлар ва муваффақиятлар билан бойитингиз, колхоз ва совхозлар билан маҳкам алоқа боғлангиз! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга муносиб хисса қўшингиз!

93. Савдо, умумий овқатланиш ва коммунал-маиший хўжалик ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатишнинг юксак маданияти учун курашингиз!

94. Совет муассасаларининг ходимлари! Омма орасида ташкилий ва тарбиявий ишни яхшилангиз! Бюрократизмни йўқотингиз, меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ва талабларига сезгирлик билан қарангиз!

95. Фан ва олий ўқув юртларининг ходимлари! Фаннинг янада равнақ топиши учун, техника тараққиёти учун курашингиз! Коммунизм даврига муносиб мутахассислар тайёрлаб берингиз!

Илғор совет фанига шон-шарафлар!

96. Космик фазони ўзлаштиришда янги имкониятлар очиб берган, инсоннинг жаҳонда биринчи марта кемадан космосга чиқишини таъминлаган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларига шон-шарафлар!

Шавкатли совет космонавтларига шон-шарафлар!

97. Адабиёт ва санъат арбоблари! Асарларнинг партиявийлиги ва халқчиллиги, юксак ғоявийлиги ва бадиий маҳорат учун курашингиз! Коммунизм қурувчилар қилаётган қаҳрамонона ишларнинг улуғворлиги ва гўзаллигини ёрқин акс эттирингиз, кишиларни коммунистик идеаллар ғалабаси учун курашга отлантирингиз ва даъват этингиз!

98. Матбуот, радио ва телевидение, нашриётлар ва маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари! Меҳнаткашларни марксизм-ленинизм, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашда партияга актив ёрдам берингиз!

99. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитиш сифатини оширингиз, уларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан чиниқтирингиз, ёш авлодни меҳнатсеварлик, коллективизм, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялангиз!

100. Медицина ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилангиз! Медицина фанининг энг янги муваффақиятларини практикага жорий қилингиз! Совет кишисининг саломатлиги учун курашингиз!

101. Яшасин бизнинг умумхалқ социалистик давлатимиз! Совет социалистик демократияси ривожлансин ва мустаҳкамланаверсин, давлат ишларини бошқаришда барча меҳнаткашларнинг активлиги ошираверсин!

102. Яшасин коммунизм мактаби — совет касаба союзлари!

103. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари — совет хотин-қизлари!

Болаларнинг мураббийси, турмушда ва ишлаб чиқаришда толмас меҳнаткаш оналарга шон-шарафлар!

104. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви — Ленин комсомоли!

105. Йигит ва қизлар! Билимларни қунт билан эгаллангиз, коммунистларча ишлаш ва яшашни ўрганингиз! Ёшларга хос жўшқин ғайратингиз ва меҳнатингизни коммунизм қурилиши улуғ ишига бағишлангиз!

Яшасин шонли совет ёшлари!

106. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Яхши ўқингиз, меҳнатни севингиз ва ҳурмат қилингиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

107. Коммунистлар ва комсомоллар! СССРда коммунизм қуриш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

108. Коммунизмнинг шавкатли қурувчиси, ер юзида тинчлик ва ҳамма кишиларнинг бахт-саодати учун мард курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

109. Яшасин партия билан халқнинг бузилмас буюк бирлиги!

110. Яшасин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

111. Яшасин жонажон Совет ҳукуматимиз!

112. Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

113. Яшасин ер юзида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизм!

***Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети***

# ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДАГИ ЭНГ КАТТА ИШЛАР УЧУН ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДАГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

I.

Фан соҳасидаги энг катта ишлар учун қуйидагиларга 1965 йилги Ленин мукофотлари берилсин:

1. Физика-математика фанлари доктори, М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университетининг профессори Владимир Игоревич **Арнольдга**, академик, шу университетнинг кафедра мудири Андрей Николаевич **Колмогоровга**, — Гамильтон системаларининг барқарорлиги проблемасига доир ишлар цикли учун.

2. СССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими гидродинамика институтининг бўлим мудири Богдан Вячеславович **Войцеховскийга**, физика-математика фанлари доктори, шу институт лабораториясининг мудири Рем Иванович **Солоухинга**, техника фанлари кандидати, СССР Фанлар академияси Химия физикаси институтининг старший илмий ходими Яков Кириллович **Трошинга**, — газлардаги детонацияни тадқиқ қилганлик учун.

3. Украина ССР Фанлар академиясининг академиги, Украина ССР Фанлар академияси Математика институтининг директори Юрий Алексеевич **Митропольскийга**, — чизиқсиз дифференциал тенгламалар назарияси ва чизиқсиз тебранма ҳаракатлар назариясига доир ишлар цикли учун.

4. Геология-минералогия фанлари доктори, СССР Фанлар академияси Геология институти лабораториясининг мудири Дагмара Максимилиановна **Раузер-Черноусовага**, — фораминиферларнинг ривожланишига қараб юқори палеозой қатламлари стратиграфиясини детализациялаш методикасини илмий жиҳатдан асослаб бериш ва ишлаб чиқишга доир ишлар цикли учун.

5. СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, СССР Фанлар академияси Океанология институти лабораториясининг мудири Лев Александрович **Зенкевичга**, — «СССР денгизлари биологияси» деган илмий асар учун. Бу асар 1963 йилда эълон қилинган.

6. Академик, СССР фанлар академияси Зоология институтининг старший илмий ходими-консультанти Евгений Никанорович **Павловскийга**, — «Зооантропонозлар эпидемиологияси ландшафтига боғлиқ ҳолда трансмиссия касалликларининг табиий манбалари» деган илмий асар учун. Бу асар 1964 йилда эълон қилинган.

(Охири учинчи бетда).

## ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ ЛАУРЕАТЛАРИ



Ю. А. Завадский.



Н. Д. Мордвинов.



Л. Б. Коган.



Г. М. Козинцев.



И. М. Смоктуновский.



М. В. Куприянов.



П. Н. Крилов.



Н. А. Соколов.

*ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЕТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДАГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА*

## САНЪАТ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДАГИ ЭНГ КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАР УЧУН ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт ва санъат соҳасидаги Ленин мукофотлари комитети санъат ва журналистика соҳасидаги энг катта муваффақиятлар учун қуйидагиларга 1965 йилги Ленин мукофотларини беришга қарор қилди:

1. **Завадский** Юрий Александровичга, режиссёр, **Мордвинов** Николай Дмитриевичга, Арбенин ролини ижро этувчи — Моссовет номидаги академик театрда қўйилган «Маскарад» спектакли учун.

2. **Коган** Леонид Борисовичга — концерт-ижрочилик фаолияти учун (1962—1964 йиллардаги программалар).

3. **Козинцев** Григорий Михайловичга, режиссёр, **Смоктуновский** Иннокентий Михайловичга, Гамлет ролини ижро этувчи — «Гамлет» бадиий фильми учун.

4. **Куприянов** Михаил Васильевичга, **Крилов** Порфирий Никитичга, **Соколов** Николай Александровичга (Кукриниксларга) — «Правда» газетасида ва «Крокодил» журналида эълон қилинган сиёсий карикатуралар туркуми учун.

5. **Смирнов** Сергей Сергеевичга — «Брест қалъаси» китоби учун.

### АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДАГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДАН

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт ва санъат соҳасидаги Ленин мукофотлари комитети бу йил 1965 йилга Ленин мукофотлари олишга тақдим этилган номзодларга доир меҳнаткашлардан кўпгина хатлар, жамоатчилик муҳокамаларининг материаллари ва ёзиб юборилган баҳоларни олди. Булар комитетга совет жамоатчилигининг фикри билан кенг танишиш имконини берди.

Комитет шу материалларни юборган ҳамма ташкилотларга ва айрим меҳнаткашларга ўз ташаккурини изҳор қилади.

